

Сенатор сўрови

НЕГА МОРАТОРИЙГА АМАЛ ҚИЛИНМАЯПТИ?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Озригул Қозихонова томонидан Тошкент шаҳар ҳокими Шавкат Умурақов номига сенатор сўрови юборилди.

Унда сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, даракт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил худудларни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, дарактларни кесилгача нисбатан жорий этилган мораторий ва унинг амал қилиш мuddати узайтирилгани алоҳида тилга олинган.

Айни чоғда амалдаги қонунчиликка мувофиқ дарактларни ноқонуний кесил, шикастлантириш ёки йўқ қилиш учун жавобгарлик кучайтирилгани, шунингдек, қоидабузарларга кесилган даракт ўрнига кўчат экиш ва уларни парвартириш мажбурияти юклатилгани таъкидланган.

Бироқ кўрилатгани чораларга қарамай айрим худудларда дарактларни кесил ҳолатлари сақланиб қолаётгани ва бу аҳоли эътирозига сабаб бўлаётгани билдирилган.

Жумладан, сенаторлар Тошкент шаҳри Чилонзор туманида ўтказган учрашувларида фуқаролар Чилонзор тумани, 17-даҳа, Ботирма маҳалласи 33-уйга туташ худудда февраль ойида тўсиқлар ўрнатилиб, қурилиш ишларига тайёрлик кўрилатгани ҳамда бу ердаги кўп йиллик дарактлар кесил ташланиши хавфи мавжудлигидан норозилик билдирган.

Мазкур ҳолат инobatга олинган ҳолда сенатор сўровида худуднинг ҳозирги ҳолати ва унинг тўсиқлар билан ўраб олиниши сабаблари, ушбу жойда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳамда уларнинг шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлиги юзасидан тушунтириш бериш сўралган. Шунингдек, сўровда худуддаги дарактлар хатловдан ўтказилгани-йўқми, дарактлар кесилишининг олдини олиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича кўрилатгани чора-тадбирлар юзасидан аниқлик кiritиш сўралган.

«Халқ сўзи».

РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ – БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Тошкент шаҳри Олмазор туманида амалга оширилаётган ижтимоий-ҳуқуқий ислохотлар ҳамда рақамли трансформация жараёнлари билан яқиндан танишди.

Ўрганиш

Дастлаб ишчи гуруҳ «Мискин» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, худуддаги ижтимоий барқарорлик даражаси, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика тизими самарадорлигини таъкидлий таҳлил қилди. Ўрганишлар давомида «маҳалла еттиллиги» фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, иш самарадорлигини ошириш, мутасаддилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, маҳаллада олиб борилган тизимли ишлар натижасида жиноятчиликка чек қўйишга ва худудни «қизил» тоифадан чиқаришга муваффақ бўлингани ижобий баҳоланди. Сенатор аҳоли учун хавфсиз ҳамда қулай муҳит яратишда жиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабабларини бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ «Қорақамш дехон бозори»да рақамли технологияларни жорий этиш ҳолатини ўрганди. Асосий эътибор тизимни рақамлаштириш, нақд пул айланиши шартлигини таъминлаш ҳамда сотувчи ва харидорлар учун яратилган шартнозаларга қаратилди.



Ўрганишлар давомида сенаторлар маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, худуддаги ижтимоий барқарорлик даражаси, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика тизими самарадорлигини таъкидлий таҳлил қилди.

Савдо расталарида QR-кодлар орқали нақд пул айланиши рақамлаштириш амалиёти шаффоқлиги таъминлашда муҳим қадам сифатида эътибор этилди. Марказнинг тезкор хизматлар билан интеграция эса

Конференция

ҚОНУНЧИЛИКДА ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ташкил қилинган «Хуқуқни қўллаш амалиётида сунъий интеллектни жорий этиш истиқболлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда қатнашди.

Соҳа олимлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда замонавий технологияларнинг адлия тизимидаги ўрни муҳокама қилинди.

Сенатор А. Эшмуратов сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан адлия соҳасида ҳам сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Унинг айтишича, ушбу технологияларни хавфсиз ва самарали жорий этишни таъминлаш учун сунъий интеллектдан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган қатор меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Анжуман давомида иштирокчилар сунъий интеллектни ҳуқуқий соҳага жорий этишининг халқро тажрибасини қиёсий таҳлил қилди. Яқинда соҳа мутахассислари томонидан қонунчиликни рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ИҚТИДОРЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматқаримов Наманган вилоятига хизмат сафари давомида бир гуруҳ иқтидорли ёшлар билан учрашув ўтказди.

Учрашувда ёшларнинг илмий изланишлари, инновацион гоялари ҳамда келажак режалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббусларини рўёбга чиқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 24 февраль кuni ёшлар билан ўтказилган учрашувда илгари сурилган муҳим ташаббус ва тақлифларнинг мазмун-моҳияти

ҳам кенг муҳокама қилинди. Ушбу ташаббусларни амалиётга самарали жорий этиш, ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда ёшлар томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббуслар тингланган, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШУВ

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон халқро исломшунослик академияси талабалари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир талабаларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат бошқаруви тизими ҳамда парламент фаолиятига оид амалий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Учрашув давомида талабалар сенаторлар, жумладан, Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари ҳамда парла-

мент юқори палатаси девончи ходимлари билан очиқ мулоқот қилди.

Тадбирда мазкур қўмитада доимий асосда ишловчи сенатор Зумрад Беқатова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган ислохотлар, халқро майдонда мамлакат манфаатларини илгари суришга қаратилган сиёсат, шунингдек, эри-



Шу билан бирга, сенатор талабаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташаббуслар ҳақида тўхталиб, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножабат қилиб, давлат бошқаруви ва парламент фаолиятига оид фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир якунида иштирокчилар учун Сенат биноси бўйлаб танишув саёҳати ташкил этилди.

«Халқ сўзи».

Ҳамкорлик

ФАВҚУЛОДАДА ВАЗИЯТЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат икки томонлама ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган бўлиб, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини камайтириш ва бартараф этиш соҳасида парламент назоратини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, меморандум қонун яратиш сифатини ошириш, соҳадаги ислохотларни самарали татбиқ этиш ва парламент фаолиятини илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни назарда tutади.

Ҳамкорлик доирасида фавқулодда вазиятларни прогноزلash ва хавф-хатарларни комплекс баҳолаш, аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш ҳамда хавфсизлик маданиятини шакллантириш, ёнгинлар, сув тош-

қинлари, сел ва ер қўчиши каби хавфлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Томонлар, шунингдек, фавқулодда вазиятлар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда ҳамкорлик қилади.

«Халқ сўзи».

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ КИМНИНГ ЧЎНТАГИГА КИРМОҚДА?

Албатта, йўқ. Кўриниб турибдики, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси мансабдорлари бундай мақсадни олдиларига қўйишмаган.

Ушбу маблағларнинг тўлиқ нақдлаштириб юборилгани ва газета-журналлар мактабларга умуман етказиб берилмагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2025 йилда ҳам шу мақсад учун ажратилган бюджет маблағлари айнан мазкур йил билан талонторож қилинган. Содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатларни яшириш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бош ҳисобчиси бошчилигида мактаблардан газета ҳамда журналлар гўёки ўз вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида сохта тушунтириш хатлари йиғиб олинган.

Таажубланарли жиҳати шундаки, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг sobиқ раҳбари ўз фаолияти давомида йўл қўйган қонунбузарликлар учун жавобгарликка тортилган бўлса-да, ушбу ҳолатда асосий масъул шахс — бошқарманинг бош ҳисобчиси жазо ўрнига рағбат олиб, бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимига тайинланган.

Ушбу ҳолат юзасидан прокуратура ҳузуридаги департамент томонидан жиноят иши қўзғатилган. Бироқ унинг якуний натижалари ҳозирги кунга

қадар депутатларга маълум қилинмаган. Обуна учун масъул ташкилотлар бу борада жавоб қутмаган бир пайтда биз, депутатлар аниқ маълумот бера олмаямиз.

Шу билан бир қаторда биз мазкур масалада ижобий silжиш ҳам кўрмаяпмиз. 2026 йилнинг биринчи чораги якунланаётган бўлса-да, бугунги кунга қадар на почта ташкилотларига, на матбуот тарқатувчи корхоналарга обуна учун бир сўм ҳам маблағ ажратилмаган.

Вилоят прокурори айнан мазкур масала бугунги кунда республика миқёсидаги юқори турувчи органлар эътиборида эканини маълум қилди ва олиб борилаётган ўрганишлар якунлари юзасидан депутатларга атрофлича ахборот тақдим этилишини таъкидлади. Шу билан бирга, у текширув жараёнлари ҳолис ва қонуний асосда олиб борилаётгани, барча масъул шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилиши ҳамда айбдорларга нисбатан муқаррар чоралар кўрилиши таъминланишини қайд этди.

Буни энди вақт кўрсатади.

Иброҳим ЁҚУБОВ, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, Бюджет комиссияси раиси.

Тахририятдан: Президентимиз ташаббусига кўра, бюджет ҳисобидан газета ҳамда журналлар обунасига йўналтирилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш масаласи нафақат мактабгача ва мактаб таълими тизимида, балки бошқа соҳаларда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Матбуот нашрларининг манзилга ўз вақтида мунтазам етказиб берилишини таъминлаш учун шу тизимда узoқ йиллардан буён фаолият кўрсатган келаётган, ўз тажрибасига эга бўлган ва соҳанинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ташкилотлар, жумладан, «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимидаги матбуот тарқатиш филиаллари ва «Матбуот тарқатувчи» АК тизимидаги корхоналар ёки бевосита тахририятларнинг ўзи билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилиши мақсадаги мувофиқ бўлади. Хусусан, тахририятлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилганда 30 фоизгача бюджет маблағлари тежаб қолинади. Шунингдек, хар бир тахририятда газета ёки журнални арзон нархларда манзилга етказиб беришни назорат қилиш имконияти мавжуд.

АҲОЛИ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИНГ

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаликларга эътибор қаратилди, шунингдек, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракциялар ҳаёти

Тадбиркорлар ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик янги bosқичга кўтарилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Фракция аъзолари давлатимиз раҳбарининг худудларда яшил боғлар яратиш, аҳоли ва депутатлар иштирокини янада кенгайтириш бўйича тақлифларини қўллаб-қувватлаб, ушбу жараёнда фаол иштирок этиш орқали Янги Ўзбекистоннинг «Яшил» тараққиёти учун ўз ҳиссаларини қўшишларини билдирди.

Навбатдаги масала — мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Лойиҳа билан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида янги ёндашувларни жорий

қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти.

Депутатлар лойиҳада акс этаётган нормаларни халқро талабларга мослаштириш, давлат назоратини оптималлаштириш, инновацияларни жорий қилиш суъратларини ошириш ҳамда миллий маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга хизмат қилишини эътиборга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда ЎзЛиДеПнинг «Халқ билан бирга» умуммиллий дастури доирасида фракция олдида турган устувор вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, бу борадаги аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Фракция раҳбари Ақтам Ҳайтовнинг таъкидлашича, ушбу дастурнинг асосий мақсади — давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган самарали ислохотларни тарғиб қилиш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига манзилли кўмак кўрсатиш, бизнес ва жамият ўртасида ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашдан иборат.

Дастур доирасида 2026 йил давомида 50 мингдан ортиқ тадбиркорлар иштирок этиши ва 1,5 миллиондан зиёд фуқароларга турли кўринишдаги кўмак бериш режалашти-



этиш, хусусан, маҳсулотларни мувофиқликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, стандартларни ихтиёрий қўллашни таъминлаш, метрология соҳасини халқро талаблар асосида қайта ташкил этиш ҳамда аккредитация органлари фаолиятининг мустақиллигини кучайтириш, шунингдек, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимлари талаблари билан уйғунлаштириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги, «Стандартлаштириш тўғрисида»ги, «Метрология тўғрисида»ги ҳамда «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва

рилган. Шунингдек, унда жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Жойларда ўтказилаётган ўрганишлар натижалари асосида жамоат эшитувлари ташкил этиш, депутатлик суровлари юбориш, қонунчилик ташаббусларини илгари суриш орқали тизимли муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Депутатлар дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида тадбиркорлар ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик янги bosқичга кўтарилишини таъкидлади.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда қатъий ёндашув

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аёллар ва болаларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини кучайтиришга, шунингдек, баъзи жиноятлар терговининг сифатини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, жумладан, хотин-қизлар, болаларни жинсий зўравонлик ва ахлоққа зид тажовузулардан асрашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, хотин-қизлар ва воёга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий эркинлик ҳамда ахлоққа қарши жиноятлар билан боғлиқ ишларнинг судга қадар юритиш ҳамда бу жиноятларда айбдор деб топилган маҳкумларнинг жазонини ўтатиш боқиқчилигида қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Шу боис ушбу қонун лойиҳаси билан жиноятларни фош қилиш ва тергов қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида айрим тоифадаги ишлар тергов прокуратура органларига ўтказиш тақлиф этиляпти. Шунингдек, Жиноят-ижроия кодексига жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар манзил-колониаларга ўтказилмаслигини назарда тутувчи тартиб белгиланмоқда.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ушбу қонун лойиҳасига муносабат билдириб, халқимизда аёллар ва болаларнинг ҳимоясини жойига қўйиш, ҳимоя қилиш ишлари азалдан қадрият сифатида шакланган бўлса-да, афсуски, сўнгги йилларда уларга нисбатан тазийқ ва зўравонликлар кўпайганини таъкидлади.

— Аксарият маънавий муаммоларимизнинг таг-томири ҳам шулар билан боғлиқ, — деди фракция раҳбари ва депутатларни ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашга қачқирди.

Депутатлар бундай ўзгаришлар инсон шаъни ва кадр-қиммати, жинсий дахлсизлиги, шунингдек, хотин-қизлар ва воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, одил судловни таъминлаш ҳамда жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш — устувор вазифа

«Адолат» социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш

ХАВФСИЗЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Бугунги кунда дунё миқёсида юз бераётган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар инсон ҳаёти ҳамда хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Иккинчи ўзгариши, санавташуу жараёнларининг жаддаллашуви, урбанизация — буларнинг барчаси фавқулодда вазиятлар сони ва кўлами орттишига олиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш масаласи стратегик аҳамият касб этади.

Муносабат

Президентимизнинг шу йил 3 апрелда қабул қилган “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори нафақат соҳавий, балки умум-давлат аҳамиятига эга муҳим ҳужжатдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хавфсизлик, инсон ҳаётини муҳофазалаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида устувор аҳамият берилётгани бежиз эмас. Чунки ҳар қандай тараққиёт, аввало, инсон хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Замонавий дунёда фавқулодда вазиятларни бошқаришни илмий ёндашуви ва инновацион технологиялар тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис қарорда илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятини ошириш, сунъий интеллект, симуляция ҳамда моделлаштириш технологияларини жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Уларнинг ижроси нафақат таълим сифатини оширади, балки фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишда янги имкониятлар яратлади.



Ҳужжатда хорижий давлатлар билан ҳамкорликка ҳам катта эътибор қаратилган. Жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилиш, кадрларни чет элда тайёрлаш ва ҳатто бошқа давлатлар учун мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур ислохотлар Ўзбекистоннинг ушбу соҳада нафақат миллий, балки минтақавий марказга айланиш имкониятини яратди.

Муҳим жиҳатлардан бири — кадрлар тайёрлашнинг мутлақо янги, икки босқичли тизими ва узлуксиз ўқув йўналишининг жорий этилиши. Унга кўра, икки босқичли тизим халқаро тажрибада ўз самарасини берган моделлардан бири ҳисобланади. Масалан, Германия, Япония ва Жанубий Корея каби давлатларда фавқулодда вазиятлар соҳасида кадрлар тайёрлаш айна назария ва амалиёт уйғунлиги асосида ташкил этилган. Шунингдек, энди кадрлар фақат бир марта таълим олиб қолмайди, балки хизмат фаолияти давомида доимий равишда билим ва малакасини ошириб боради. Натижа эса тизимда профессор-оналиқни таъминлаш, раҳбар кадрларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш билан яқунланади.

Қарорда саноат, энергетика, нефть-газ ва қурилиш каби хавфли тармоқлар билан ҳамкорликка кадрлар тайёрлашнинг кўзда тутилгани эътиборга молик. Чунки бу техноген хавфларни камайтириш имкониятини яратиб, ишлаб чиқаришда хавфсизлик маданиятини шакллантириш ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишда самарадорликни оширади.

Бугунги кунда фавқулодда ва-

зиятларни бошқариш соҳасини замонавий технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, сунъий интеллект, катта маълумотлар, геохаборот тизимлари, симуляция ва моделлаштириш технологиялари бу соҳада муҳим ўрин тутди.

Соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириб, энг илғор технологиялар билан қуроллантириш фавқулодда вазиятларни олдиндан баҳорат қилиш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, хавфларни аниқ ва тўғри баҳолаш ҳамда уларни самарали бошқариш кўникмаларини сезиларли даражада оширади.

Сирасини айтганда, ушбу қарор фавқулодда вазиятлар соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган стратегик ҳужжатдир. У орқали соҳада замонавий, самарали ва барқарор тизимни шакллантириш учун муस्ताҳкам ҳуқуқий ҳамда ташкилий асос яратилади. Ва энг муҳими, бу ислохотлар инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Чунки ҳар қандай тараққиёт, аввало, инсон кадрини улуғлашдан бошланади.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаса ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Б. Валиев раҳбарлигида Президентимизнинг шу йил 5 январдаги ПҚ-1 ва ПҚ-2-сонли қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Тошкент вилоятида ўрганишлар давом этмоқда.

Мулоқот

Хусусан, Республика идоралараро мувофиқлаштириш штаби аъзолари, Олий таълим, фан ва инновациялар, Ички ишлар ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари таълим ва илмий ташкилотлари раҳбарлари, Тошкент вилояти идоралараро мувофиқлаштириш штаби ва ишчи гуруҳи аъзолари “Ёшлар кўни” муносабати

билан Қибрай туманида жойлашган Тошкент давлат аграр университетига бўлиб, мазкур даргоҳда олиб борилаётган таълим жараёни, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан яқиндан танишди.

Бу ерда “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди. Унда 500 нафардан ортиқ талаба-ёшлар иштирок этиб, уларнинг тақлифлари тингланди ҳамда мазкур қарорлар ижросини таъминлашда фаол қатнашган 10 нафар талаба рағбатлантирилди. Штаб аъзолари университет ҳудудида

барпо этилган замонавий “Ренессанс” маърузалар мажмуаси билан яқиндан танишди. Ёшлар учун яратилган имконият ва имтиёзлар, уюлмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва уларнинг келгусидаги синов-имтиҳонларига тайёргарлигини ошириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Жараёнда профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар томонидан ишлаб чиқилган стартап лойиҳалар, илмий-инновацион ишланмалар ҳамда амалий аҳамиятга эга фикрлар тақдироти ўтказилди. Ишчи гуруҳ ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи»

МУСТАҲКАМ АСОСИ

тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар мазкур ҳужжат мустақиллигининг 35 йиллигини нафақат тантанали равишда нишонлаш, балки уни мазмунан бой, гоёвий жиҳатдан чуқур ва кенг қамровли тадбирлар орқали ўтказишни назарда тутишни таъкидлади.

Янги таҳрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосидаги тараққиёт йўлими инсон кадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиятимизда дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ҳамда анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик-барқарорликни таъминлашда таянч бўлиб келаётганини урғуладди.

Шундан сўнг йиғилишда аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда айрим жиноятлар терговини самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилди.

У билан Жиноят-процессуал кодексига жинсий эркинликка ҳамда айрим турдаги ахлоққа қарши жиноятлар бўйича дастлабки терговни ички ишлар органларидан прокуратура органларига ўтказиш, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга ушбу тоифадаги ишларнинг терговини прокуратура органлари томонидан амалга оширилиши ва жазо ўташ жараёнида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Мунозаралар чоғида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти ва заруратига алоҳида тўхталиб, партия мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни такомиллаштириш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

— Қонун лойиҳаси фракцияимиз йиғилишида обдан муҳокама қилинди, — дейди фракция аъзоси Шухрат Якубов. — Айтиш жоизки, у билан тақлиф этилаётган ўзгаришлар аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишига, жинсий зўравонлик ҳолатларини фожия этиш, бу турдаги жиноятларни тергов қилиш сифати ошишига ҳамда жазо муқаррарлиги таъминланишига, шунингдек, мазкур жараёнда қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан қатъий прокурор назорати ўрнатилишига хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ижтимоий ҳимоя ва хавфсизлик масалалари муҳокамаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб ҳарбий ҳиз-

матчилар (ходимлар) ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат орқали ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминотини алоҳида қонун билан белгилаш назарда тутилмоқда. Унга кўра, календарь ҳисобида 30 йиллик тўлиқ ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга 100 фоиз миқдорда пенсия тайинлаш механизми жорий этилиши кўзда тутилган.

Фракция аъзоси Анвар Нурматов ўз чиқишида Ватан тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида хизмат қилган юртдошларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Ушбу ташаббус партиянинг дастурий мақсадлари



билан ҳамоҳанг экани қайд этилди ва қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Унда товар ва маҳсулотларни техник жиҳатдан тартибга солиш, жумладан, улар устидан мониторинг тизимини йўлга қўйиш масалалари назарда тутилмоқда.

Депутат Эўхра Шодиева электрон платформалар орқали сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурлигини таъкидлади. Унинг фикрича, бу масала бугунги кунда жамоатчилик орасида ҳам кенг муҳокама қилинмоқда ва долзарб аҳамият касб этаётди.

Қонун лойиҳаси ташаббускорларининг маълум қилишича, мазкур масала юзасидан ҳам жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган.

Йиғилишда экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Фракция аъзолари мазкур йўналишдаги қонунларни яна бир бор инвентаризациядан ўтказиш ва экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган меъёрларни мувофиқлаштириш тақлифини билдирди.

Муҳокамалар якунида барча кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Инсон ҳаёти ва соғлиги ҳамма нарсадан устун

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Йиғилишда қонун лойиҳасининг мақсади инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини, истеъмолчиларни манфаатларини ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш учун маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда иборат экани қайд этилди.

Қонун лойиҳасида ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун умумий хавфсизлик талабларини белгилаш, маҳсулотларни баҳолаш жараёнини такомиллаштириш ҳамда маҳсулот етказиб бериш занжирида иштирок этувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилган.

Шунингдек, жиддий хавф туғдирадиган маҳсулотлар ҳақида тезкор огоҳлантириш тизимини яратиш ва халқаро стандартларга мувофиқ хавфсизлик талабларини жорий қилишга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Муҳокама чоғида фракция аъзоси Ойбек Раҳимов мазкур қонун лойиҳаси маҳсулотларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Савол-жавоб ва мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги директорининг “Республикада яшиллик даражасини ошириш ҳамда Оролинк қуриган тубини ва Оролбўйи минтақасини ўрмонзорлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда агентлик томонидан кўчатхоналарни ривожлантириш, ҳудудлар иқлим шароитига мос дархат кўчатлари етиштириш, уруғчилик тизимини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда яшил ҳудудлар майдонини кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Фракция аъзолари томонидан эшитув агентлик томонидан соҳада олиб борилаётган ишларни муҳокама қилиш, амалга оширилаётган чора-тадбирларда парламент билан ҳамкорликни кучайтириш, белгиланган вазифалар ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш учун муҳим экани қайд этилди.


Шундан келиб чиқиб, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги раҳбарининг ахборотини эшитиш масаласи фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

«Халқ сўзи»

ХС ДИҚҚАТ!

«Халқ сўзи» газетасининг анъанавий танловида иштирок этинг!

Хар йилги анъанага кўра таҳририят энг яхши мақола ва суратлар танловини эълон қилади. Бу сафар у “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” доирасида бўлиб ўтади ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланади. Биз танловда иштирок этишни истаган муаллифлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти очиб берилган тахлилий мақолалар ва фотосуратлар кутамиз. Танловга ривожланиш жараёнларини акс эттириш билан бир қаторда тараққиётимизга гўв бўлаётган ҳолатларни очиб берувчи материаллар ҳам қабул қилинади.



Ижодий танлов материаллари қуйидаги тартибда қабул қилинади: — муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахсга берилмаган ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмаган материаллар (электрон ёки “А4” формат қоғозга чоп этилган нусхада); — “Jpeg” форматда RGB ранглар текислигида суратга олинган, юқори сифатга эга ва узун томони камидан 2 000 пиксель ўлчовдаги фотосуратлар электрон нусхаларда қабул қилинади. Тасвирларда рамкалар, ёзувларга йўл қўйилмайди. Фотосуратлар қисқа ҳамда ишончли тағхат билан тўлдирилиши керак.

Танловга ижодий ишлар йил давомида қабул қилинади. Материаллар ва фотосуратларга муаллиф ҳамда унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумот ва телефон рақамлари илова қилиниши лозим.

Мақолалар, лавҳалар, очерклар, фотосуратларни баҳолашда асосий эътибор уларнинг мавзуси долзарблигига, ўзига хослигига, ихчамлигига, кўта-

рилган масала қанчалик тўлақонли очиб берилганига қаратилади.

Энг яхши мақолалар ҳамда суратлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида ёки сайтида чоп этилади. Ҳакамлар ҳайъати томонидан голиб топилган муаллифлар бир неча босқичда эълон қилинади ҳамда махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



Ижодий ишларни “Танлов учун материал” белгиси остида таҳририятнинг Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 55-уй манзилига ёки info@xs.uz электрон почтасига юборинг. Телефон: +998 99 3737302

Дил сўзи

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИ РИВОЖИГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИ


Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонунга кўра, апрель ойининг биринчи яшанбаси юртимизда “Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кўни” сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Бу йилги касб байрамимиз жуда кўтаринки руҳда ўтди. Боиси Президентимиз биз, геология соҳаси ходимларига таъриқ йўллаб, камтарона меҳнатини ошириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Жараёнда профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар томонидан ишлаб чиқилган стартап лойиҳалар, илмий-инновацион ишланмалар ҳамда амалий аҳамиятга эга фикрлар тақдироти ўтказилди. Ишчи гуруҳ ўрганишлари давом этмоқда.

Кейинги йилларда янги қонлар, минерал ҳомашё манбаларини топиш, уларни мамлакатимиз раванқига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ геологлар, муҳандис ва мутахассислар, ишчи ҳамда хизматчилар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Буни биз Юртбошимизнинг соҳага, қолаверса, “Ўзбек геология кидирув” АЖ фаолиятига юксак ҳурмати белгиси сифатида қабул қилдик.

Кейинги йилларда янги қонлар, минерал ҳомашё манбаларини топиш, уларни мамлакатимиз раванқига, халқимиз фаровонлигига йўлида ишлатиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилаётди. Айниқса, тизимда рақамлаштириш тамойилига таянган ҳолда, вертолёт ва дронлар ёрдамида аэрогеофизика ишлари йўлга қўйилгани, замонавий “3D” ўлчамли сейсмик комплекс ишга туширилиши кидирув самарадорлигини кескин оширмоқда. Мисол учун, биргина “Ўзбек геология кидирув” АЖ тизимида ўтган йили 141 та лойиҳа долзарб олинди, мис, кумуш, кўрғошин, рух, вольфрам ва бошқа фойдали қазилмалар бўйича кенг қўллаш кидирув ишлари олиб борилди. Натижада 20 та лойиҳа муваффақиятли




яқунлини, аниқланган захиралар давлат балансига қабул қилинди. Жорий йилдан эса Марказий Қизилқум ҳудудида 60 минг квадрат км. майдонда аэрогеофизик тадқиқотларни амалга оширишга киришдик.

Албатта, геология-қидирув ишларининг самарадорлиги лаборатория таҳлилларининг юқори даражада бўлишига боғлиқ. Шу боис жамият таркибидаги 5 та лабораторияни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, мутахассислар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Охириги йилнинг ичида 750 мингдан ортиқ таҳлиллар ўтказилди.

Фаолиятимиз мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари — Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари ҳамда “Навоийуран” корхонаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу ҳамкорликка кўра, ўтган йил 754 минг погон метр бурғиланган, 118 минг погон метр геотехнологик қудуқчириш, 6,5 мингдан зиёд погон метр ер ости тоғ-кон лаҳм ўтиш йўллари, 323 минг куб метр ер усти лаҳм қазий ишларини амалга оширдик. Бу кўрсаткичлар нафақат жамиятимиз ресурслар базасини кенгайтиради, балки Давлат бюджети даромадларини ошириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, геология-қидирув ишларини нафақат республикамиз ҳудудида, балки хорижий давлат-



ларда, халқаро тендерлар голиби сифатида бажариш йўлида қадим ташланди. Ўтган йил бизнинг жамиятимиз ва “Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамкорлигида “Uzbek Overseas Geology Company” МЧЖ ташкил этилди. Мазкур жамият томонидан Афғонистон, Иордания ва Мўғулистон давлатларида геология-қидирув ишлари бўйича меморандум тузилди.

Давлатимиз раҳбарининг таъриқига таъкидланганидек, келгусида геология-қидирув ишлари янги босқичга кўтарилади. Юртимизда олтин ишлаб чиқаришнинг 1,5 баробар, кумушнинг 3 баробар, мисни 3,5 марта, уран, темир ва кўмирнинг 3 ҳиссага ошириш белгиланган. Бу, ўз навбатида, тизимдаги ҳар бир мутахассис зиммасига катта масъулият юклайди. Бизнинг жамоамиз ҳам мазкур улуғвор вазифаларни бажаришга бутун куч-қувватини, билим ва салоҳиятини сафарбар этади.

Элмурод ЭРГАШЕВ,
«Ўзбек геология кидирув» АЖ
бош геологи, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган геолог.

ЭЛГА НАФ КЕЛТИРИШ САОДАТИ

Гоҳида ўртоқларим кўнғирок қилиб қолади: “Чўлма-чўл юриш, саҳронинг жазирама офтобидан қорайиб ишлашдан чарчамадингми, қўй, шу ишининг, шаҳарга кел, мазза қилиб яшайсан” дейди. Бундай гапларни эшитганимда уларга ўз жавобим бор: “Йўқ, дўстим, ундай қила олмайман, ёшлигимдан шу касбга меҳр қўйганман. Бу меҳр мени чўлу саҳроларда қийинчилиги машаққатларни енгиб ўтишда куч-қувват ато этади. Ишимдан воз кеча олмайман”.



Аслида ҳам шундай. Ўн беш йилки, шу касбим ортидан чўлма-чўл, бепоеён кенгликларни кезган бўлсам, фақат маҳдан қонини эмас, ўзлимни ҳам шу ердан топдим. Бу — элурта наф келтириш саодати. Бундан ҳам юксак толе борми инсон учун!

Бугунги кунда Зирабулоқда 7 та лойиҳа доирасида геология-қидирув ишларини олиб бораётган бўлсам, шундан 4 та қонда уран қазиб олинмоқда. Айниқса, “Жанубий Зивүүдин” ва “Саҳоба-қораиз” каби маъданли май-

донларда иш қизгин. Уч юздан зиёд геологларнинг қўли қўлига тегмайди. Янги технология, бурғиланган ускуналари келтирилмоқда. Чунки геология — саноатнинг юраги. Ушбу янги қувватлар эса Янги Ўзбекистон қудратининг ифодасидир. Улар мамлакатимизнинг халқаро имжини мустаҳкамлашга, иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга, экологик муаммоларни бартараф этишга, ишлаб чиқариш мажмуаларини ривожлантиришга, ҳаёт фаровонлигини юксалтиришга ва одамларни рози қилишга ҳисса қўшади.

Яқинда мени шаҳарга чорлаган дўстим яна кўнғирок қилиб қолди: “Толибжон, мени кечир, сен саҳрода бежиз юрмаган экансан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвонини муборак бўлсин!” деди.

Толибжон МҮМИНОВ,
«Навоийуран» давлат
корхонасининг «Зирабулоқ»
геология-қидирув экспедицияси
бош геологи, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган геолог.

